Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 7 ноябрь, № 236 (8579) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

8-9 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИҲТ) ўн олтинчи саммити бўлиб ўтади.

Тадбирда Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ва Туркиянинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этиши кутилмоқда.

Кун тартибига мувофиқ, ИҲТ доирасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникациявий ва гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда ушбу кўп томонлама тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Саммит дастури доирасида Ўзбекистон етакчиси икки томонлама қатор учрашувлар ўтказади.

Таъкидлаш жоизки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига 1985 йилда асос солинган, унинг доимий фаолият юритувчи котибияти Теҳрон шаҳрида жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан бошлаб ИҲТ аъзосидир.

ЎзА.

ИҲТнинг ТОШКЕНТ САММИТИ

кенг минтақага тегишли муаммоларни ҳал қилишда умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун янги майдон

Тарихда илк маротаба Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) саммити Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтади.

Мамлакатимиз 1992 йил ноябрь ойидан буён мазкур ташкилотга аъзо бўлса-да, мустақил Ўзбекистон ва ушбу бирлашма тарихида илк бор мамлакатимизда ИҲТ доирасидаги кўп томонлама саммит ўтказилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти 1985 йилда Теҳронда (Эрон) ташкил топган минтақавий давлатлараро тузилма ҳисобланади.

ИҲТнинг ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқаларни ва транспорт-коммуникация соҳасида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича мақсад ва вазифалари Ўзбекистон манфаатларига тўла мос келади.

Ҳозирги кунда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига Озарбайжон, Афғонистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Туркия ва Ўзбекистон аъзо.

1995 йилдан бошлаб ИҲТ БМТ ва Ислом ҳамкорлик ташкилотида кузатувчи мақомига эга. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини ташкилотнинг бош котиби амалга оширади. У ИҲТга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши томонидан уч йил муддатга сайланади ва тайинланади.

2022 йилда Ўзбекистон илк бор Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига раислик қилди. Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 28 ноябрь куни Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган ИҲТ 15-саммитида сўзлаган нутқида савдо, сармоя, транспорт ва "яшил" иқтисодиёт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор таклифларни илгари сурди. "500 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган, улкан бозорга эга бўлган мамлакатларимизнинг савдо ва инвестиция соҳаларидаги катта имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарур", деди давлатимиз раҳбари мазкур саммитдаги нутқида.

Президент раисликни ўз зиммасига олар экан, Ўзбекистон ИҲТ доирасидаги ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

➡3

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТИ ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ўта прагматик, ўз дунёқарашига эга, гапдан кўра ишни маъқул кўрадиган амалиётчи сифатида сиёсат олиб бораётгани кейинги пайтларда халқаро эксперт доираларда, хорижий оммавий ахборот воситаларида тез-тез эътироф этилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ўтиш давридан зўриқишларсиз чиқиб олишини енгиллаштирган, очиқ эшиклар сиёсатини юритаётган, бозор иқтисодиёти ва демократик тизим сари олиб борувчи йўлни изчил қўллаб-қувватлаётган етакчи сифатида таърифланмоқда.

Яқинда Венгриянинг етакчи "Мадьяр Немзет" газетасида "Ўзбекистон сўнгги йилларда шундай ривожланмоқда" сарлавҳали таҳлилий мақола чоп этилди. Унда Шавкат Мирзиёев Президент сифатида иш бошлагач, Ўзбекистон амалга оширилаётган ислоҳотлари билан минтақада локомотивга айлангани таъкидланган. Бу бежиз эмас, дейилади мақолада. Зотан, Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуслари туфайли чегараларнинг очилиши, делимитация ва демаркация жараёнларининг фаоллашуви, иқтисодий ҳамда ўзаро қардошлик ришталарининг мустаҳкамланиши, айтиш мумкинки, бугун халқаро кузатувчию экспертлар катта эътибор қаратаётган минтақа интеграциясини жадаллаштирди.

Нуқтаи назар

Бош мезон — очиқлик, ўзаро ҳурмат, тинчликсеварлик

Шавкат Мирзиёев қўшни давлатлар билан муносабатда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш борасида қатор чоралар кўрди, шу мақсадда минтақа давлатлари раҳбарлари билан кўплаб учрашувлар уюштирди. 2016 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан алоқалари янгича тус олди. Дадил ташаббуслар ортидан бошланган жараёнлар мамлакатнинг жаҳон майдонидаги нуфузини сезиларли даражада оширди. Ушбу миссия натижасида минтақада тинчлик сақланиб турибди. Буни ўтган ҳафта юртимизда меҳмон бўлган Франция Президенти ҳам эътироф этди. "Ҳурматли Президент, очиқ айтмоқчиман, сиз етти йилдан бери очиқ сиёсат олиб бормоқдасиз. Бу, минтақани тинчлантириш ва барқарорлаштириш орқали иқтисодиётни ривожлантириш сиёсатидир. Биз бу сиёсатни қўллаб-қувватламоқчимиз ва уни амалга оширишда сизга ёрдам бермоқчимиз". Юксак минбарлардан билдирилаётган бундай эътироф ва эътиборни биз бугун ҳар қадамда кузатяпмиз ва бу ҳар биримизга ғурур бағишламоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги жонланиш жиддий, янгича, илғор ҳаракат сифатида намоён бўлди. Аслида, тинчлик ва ҳамжиҳатликсиз бунга эришиб бўлмайди. Шу сабабли мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида асосий ҳамда бош омил сифатида тинчликсеварлик танланган. Зеро, ўлкамизда миллий мустақиллик ғояси миллатлараро ва конфессияларо бағрикенглик тамойилига таянган. Шу маънода, Ўзбекистон раҳбарияти жаҳон ҳамжамияти эътиборига мамлакат ташқи сиёсатига сингдирилган мантиқий концептуаллашув моҳиятини етказа олди. Эндиликда мамлакат изчиллик билан ва режали равишда минтақада дўстона, кўп томонлама ишончга асосланган муҳит яратиш устида иш олиб бормоқда.

Маълумки, Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамаси дунёда юз бераётган у ёки бу масала бўйича сергаклик ва холислик билан расмий муносабат билдириб келади. Ушбу позицияни тўғри англаш учун халқаро ҳуқуқнинг ижодкори ҳамда субъекти муайян миллат эмас, балки давлат эканини тушуниш ва бунга қўшилиш керак. Бунда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган суверен давлат тушунчаси расмий Тошкент учун муқаддас ҳисобланади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, сиёсий ёндашувнинг айни ифодаси жаҳон ҳамжамияти томонидан бир неча марта ошкора тан олинган. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ташқи сиёсати бўйича тутган йўли алоқадор актор давлатларнинг минтақа борасидаги геосиёсий ва геоиқтисодий режаларини қайта кўриб чиқишга ундади. Бунга мисол тариқасида Россия етовидаги ЕОИИ, Хитойнинг "Бир макон, бир йўл" ва АҚШнинг Марказий Осиё бўйича ишлаб чиққан, янги "С5+1" стратегик лойиҳаларини келтириш мумкин.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари минтақадаги баъзи қўшниларимизни ҳам ўзлари учун анъанавий ва мутлақо табиий бўлган ўзанга тушиб олишига ёрдам берди. 2017 йилгача Ўзбекистоннинг қўшниларга нисбатан ёпиқ ва баъзи ҳолларда қарши сиёсати Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон ташқи сиёсатидаги ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий йўналишларни турли минтақавий гуруҳлар сари бурди. 2017 йилга келиб эса ушбу динамика ўзгарди ва бешта мамлакатга потенциал жиҳатдан ташқи иштирокчилар қатнашувисиз минтақа сиёсатини ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлди. Буни, ҳеч шубҳасиз, Шавкат Мирзиёевнинг минтақа сиёсатига ижобий таъсири деб баҳолаш мумкин.

Гап минтақамиз ҳаёти ҳақида кетар экан, мамлакатлар иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги кўҳна стереотиплар ҳақида ҳам гапириш ўринли бўлади. Сир эмас, узоқ йиллик мустабидлик ва у қолдирган "анъанавийлик" минтақа ҳаётини сунъий равишда чекланган имкониятларга қарам қилиб қўйганди.

➡2

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Унинг асосий бунёдкори кимлар?

Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишда жамиятнинг барча гуруҳи, қатлами, табақаси ва синфлари фаоллик кўрсатиши ҳамда ижтимоий шерикликни ривожлантириши керак. Негаки, жамиятнинг барқарор ривожи учун бу жуда муҳим.

Мушоҳада

Янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессанс иқтисодий пойдеворини йирик ҳамда замонавий ишлаб чиқаришсиз яратиб бўлмайди. Бу, ўз навбатида, жаҳонда рақобатбардош, улкан миқдорда айланма маблағларга эга акциядорлик жамиятлари, илм-фанга бевосита интеграциялашган ишлаб чиқариш кластерлари, трансмиллий компаниялар бўлишини, яъни йирик капитални ҳамда давлат-хусусий капитал шериклигини тақозо этади. Аммо ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, барқарор ижтимоий ривожланиш социал асосини ўрта синф ташкил қилади. Ўрта синфга фермерлар, юқори даромадли ўрта ва қуйи бўғин менежерлари, тадбиркорлар, иқтисодчилар, бухгалтерлар, юқори малакали ишчилар, хизматчилар, жамиятнинг маданий-интеллектуал ҳаётини яратувчи ижодкор зиёлилар, олимлар, адиблар, санъаткорлар, профессор-ўқитувчилар, педагоглар, тиббиёт ходимлари, журналистлар ва бошқалар киради.

➡4

Акс садо

ГЛОБАЛ ЛОГИСТИКА ЗАНЖИРЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИ РИВОЖЛАНАДИ

Ҳамкор мамлакатлар билан ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида минтақавий ва глобал масалалар бўйича мувозанатли, доимий мулоқот олиб бориш, улар билан икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиш, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамда турли даражадаги маслаҳатлашувларни ташкил этиш Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири саналади.

Жумладан, бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартиботи ва халқаро институтлар тизимида ўзига хос муҳим ўринга эга бўлиб бораётган Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ҳам Ўзбекистон кўплаб ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Жорий йилнинг 3 ноябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам Президентимиз томонидан ташкилотга аъзо мамлакатларнинг 160 миллиондан ортиқ аҳолиси манфаатларини акс эттирувчи қатор таклифлар илгари сурилди. Хусусан, ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ва узоқ муддатли алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида туркий халқлар бирдамлигини, уларнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган "Туркий дунё хартияси"ни ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

➡4

Қонунчилик палатаси фракцияларида

2024 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ ҲАМДА ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Давлат бюджети — мамлакатнинг пул даромадлари ва харажатлари рўйхатини ўзида ифодаловчи асосий молиявий ҳужжат. Шу нуқтаи назардан айтганда, кейинги йилларда бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бюджетга оид алоҳида қонуннинг қабул қилиниши эса мамлакатимиз тараққиёти ва ҳар бир фуқаро ҳаётига бевосита дахлдор бўлган ушбу масалага бугунги кунда янада жиддий эътибор қаратилаётгани натижаси, дейиш мумкин.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2023 йил тўққиз ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ва тизимли вазифалар

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг асосий мақсади 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборатлиги таъкидланди.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини синчиклаб таҳлил қилар экан, партия мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳани янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш юзасидан ўз таклифларини билдирди. Хусусан, фракция аъзоси Адҳам Назирқулов Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаларига ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, ортиб қолган маблағни эса бошқа харажатларга йўналтириш мумкинлигига оид саволни ўртага ташлади. Қонун ташаббускорлари мазкур савол юзасидан асослантирилган жавоблар беришди.

Фракция аъзоси Равшан Мамутов эса сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган объектлар учун техник ҳолатни яхшилашга тегишли маблағ ажратилаётгани, яқинда қабул қилинган "Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунда хавфсизликни таъминлаш юзасидан қатор тадбирлар белгиланган, унинг ижросига доир лойиҳада қандай чора-тадбирлар кўзда тутилаётгани бўйича мурожаат қилди. Масъул вазирлик вакиллари кўтарилган савол юзасидан тушунтиришлар берди.

➡3

Улуғ сиймолар ёди

ХАЛҚИМИЗНИНГ САДОҚАТЛИ ФАРЗАНДИ

Мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини қўйишга қаратилган туб ислоҳотлар жараёнида бой миллий-маданий қадриятларимизга янгича ёндашилмоқда, кўп асрлик ўтмишимиз тарихий адолат ва миллий манфаатлар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилмоқда.

Шу жиҳатдан, миллатимиз фахри бўлган буюк шахслар, давлат арбоблари, мутафаккирлар ҳаёти, уларнинг фаолияти, мамлакатимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси ва маънавий меросини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Ана шундай инсонлардан бири — шубҳасиз, атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов эди. Унинг беназир раҳбарлик салоҳияти ва инсоний фазилатлари замондошлари хотираларида яққол намоён бўлади.

➡3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2023 йил 7 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТИ ДУНЁ ЭЪТИБОРИДА

1 Биз кўпчилигимиз энг яқин стратегик шерик деганда, ҳозиргача Россия ёки Хитой назарда тутилишига ўрганиб қолганмиз. Қолаверса, бундай ўйлашимизга минтақадаги мавжуд шароит ҳам мажбур қиларди. Шу маънода, Шавкат Мирзиёевнинг “Жануб концепцияси” бир неча асрлардан буён ўзгармай келаётган Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий харитасини янги мазмун билан бойитди. Марказий ва Жанубий Осиёни бир-бири билан боғлайдиган, “аср лойиҳаси” сифатида кўрилаётган, Ўзбекистондан то Покистон сари тортиладиган Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли бугун минтақа истиқболини белгилайдиган энг долзарб лойиҳа, дея баҳоланмоқда. Айни шу Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги савдо-сотиқ ва қолаверса, маданий-маърифий соҳалардаги алоқаларнинг ривож топишини бугун кўпчилик экспертлар кўҳна ўтмишнинг тикланишига қиёслашаётир.

Ўзликка қайтиш

Умумий маънода айтганда, бугун ҳақли равишда “Янги Ўзбекистон” дея аталаётган мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида жуда теран ўзгаришлар бўлди. Айниқса, Президентимизнинг БМТ минбаридан туриб давлатчилигимиз тарихида ўзбек тилида нутқ сўзлаши миллатимизнинг қадрини бир неча баробар кўтарди. Ёки мамлакатимизнинг Туркий давлатлар ташкилотига (ТДТ) аъзо бўлиб кириши Ўзбекистоннинг ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий “хусусияти” ўзгараётганини, давлатимиз мустабидлик ва янги кўринишдаги маънавий қарамликлардан чиқиб, ўзлиги сари интилаётганини англатади.

Аслини олганда, Туркий бирлик ғояси бугун пайдо бўлган эмас. Буюк аждодларимиз орзуларида ҳам туркий халқларни бирлаштиришни назарда тутувчи тушунча мавжуд бўлган. Лекин ҳақиқат шундаки, биз узоқ йиллар шу ҳаётий ҳақиқатдан қочиб яшадик: ўзимизнинг туркий халқ эканлигимизни тан олмадик. Шавкат Мирзиёев бу тарихий ҳақиқатни тиклади. Нафақат тиклади, балки ташкилотга куч бағишлади, унинг келажагига ишонч руҳини мустаҳкамлади. Бу аъзо давлатлар томонидан холис эътироф этилмоқда. Остона шаҳрида ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга туркий халқлар оиласининг бирлигини мустаҳкамлашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқаро майдонда фаол илгари суришга қўшган улкан ҳиссаси учун юксак мукофот — “Туркий дунёнинг олий ордени” топширилганини ана шу эътирофнинг амалий ифодаси, дейишимиз мумкин.

Ўзбекистон 2019 йилда ТДТга аъзо бўлиб кирганидан буён мамлакатимиз раҳбари томонидан туркий давлатлар ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган 50 дан ортиқ таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Мамлакатимизнинг ташкилотга раислиги даврида 100 дан зиёд турли тадбирлар ўтказилди, амалий ҳамкорликнинг янги самарали механизмлари яратилди, нуфузли глобал ва минтақавий тузилмалар билан яқин шериклик алоқалари йўлга қўйилди. Ташкилотга аъзо барча давлат билан ўзаро манфаатли алоқалар изчил кенгаймоқда, стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилди, савдо ҳажмлари ортмоқда, кооперация кучаймоқда. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, барчамизнинг орзу ва мақсадларимиз, интилиш ва ҳаракатларимиз уйғун ва ҳамоҳангдир. Азалдан дўст ва қардош бўлган туркий халқларимиз бундан кейин ҳам аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, ёруғ келажакни биргаликда бунёд этадилар.

Ўзбекистонда бошланган туб ислоҳотлар мамлакатнинг янги, замонавий ривожланиши ва модернизация йўлига ўтишида, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсати самарадорлигини оширишда беқиёс аҳамиятга эга бўлди. Бу фикр хорижий экспертлар ва дипломатлар қарашларида ҳам ўз аксини топди. Чет эллик экспертлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг прагматик, очиқ ва конструктив ташқи сиёсати туфайли мамлакатимизнинг халқаро муносабатларда тутган ўрни ва аҳамияти сезиларли даражада мустаҳкамланганини қайд этишмоқда. Асосий натижалардан бири, бу — Ўзбекистон имижининг тубдан ўзгаргани. Буни Ўзбекистоннинг жаҳонда демократик жамиятга, кучли, рақобатбардош иқтисодиётга, инновацион институтлар ва инфратузилмага эга мамлакат сифатида қабул қилинаётганида кўришимиз мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг кўламли ва жадал демократик ислоҳотлар бугунги кунда ортга қайтмас тус олганини, уларнинг асосини инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш ташкил этишини қатъий таъкидлади. Ўз навбатида, ушбу баёнот, хорижлик кузатувчиларнинг баҳо беришича, дунё ҳамжамияти, аввало, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги шериклари ва халқаро инвесторлар учун кучли ижобий чақирикдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда имижи тубдан ўзгаришига нима таъсир кўрсатди? Аввало, сўз ва оммавий ахборот воситалари, дин ва эътиқод эркинлиги, гендер тенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлашни қамраб олган чуқур тизимли ислоҳотлар ўтказиш мақсадини ўз олдига қўйган Президентнинг сиёсий иродаси ва қатъияти. 2020 йил октябрь ойида Ўзбекистон тарихда илк бор БМТнинг бутун дунёда инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш учун масъул 47 давлатни ўз ичига олган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиб сайлангани ҳам ана шу ирода ва қатъиятнинг ҳосиласидир.

Ўзбекистон Президенти томонидан тасдиқланган ташқи сиёсат дастурининг прагматик ва стратегик жиҳатдан пухта ўйланганлиги мамлакатимизнинг ишончли ва фаол ташқи

> *“Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақа ва дунё давлатларининг умумий муаммоларни ҳал қилишдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган ҳаётий ва долзарб ташаббуслари Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлардаги фаоллиги кескин ўсишига ҳамда тутган ўрни мустаҳкамланишига олиб келди.”*

сиёсат олиб борадиган барқарор шерик сифатидаги обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу ташқи сиёсий йўналишнинг асосий натижаси Марказий Осиёдаги сиёсий вазиятнинг тубдан яхшиланиши, минтақада чинакам қўшничилик руҳи шаклланиши, Ўзбекистон ва қўшни давлатларнинг муҳим минтақавий масалаларни ҳал қилиш бўйича биргаликдаги ишларининг бошланиши бўлди.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг етакчи давлатлар — Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари, Туркия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, шунингдек, Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёдаги бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалари кенгайди. Кўп томонлама дипломатия ҳам сезиларли даражада фаоллашди. Мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан ўтказилган халқаро анжуманлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди. Бу ўринда гап, аввало, халқаро транспорт йўлакларини шакллантириш, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашга бағишланган тарихий аҳамиятга эга форумлар ҳақида кетмоқда.

Илғор ташаббуслар, истиқболли таклифлар

Таъкидлаш жоизки, кейинги бир неча йилда Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) доирасидаги иштироки фаоллашди. Мамлакатимиз МДҲнинг тармоқлар бўйича ҳамкорликнинг 24 та органига қўшилди, 65 та тузилмаси фаолиятида тўлиқ иштирок этмоқда. Ушбу даврда Ўзбекистон Президенти томонидан кўплаб муҳим йўналишлар юзасидан қарийб 70 та ташаббус илгари сурилди. Уларнинг аксарияти Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, рўёбга чиқарилди.

МДҲ Ўзбекистон учун шунчаки мулоқот, фикр алмашиш ва қарашларни солиштириш майдони эмас. Бу тузилма мамлакатимиз учун устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишнинг ғоят муҳим институтидир. Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар эса юртимизнинг доимий шериклари, қўшнилари ва дўстларидир. Шу маънода, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ташкилотнинг олий мукофоти — МДҲ Фахрий нишони тантанали топширилиши ҳам бежиз эмас. Бу Президентимиз илгари сурган ташаббусларнинг эътирофидир. Тан олиш керак, Ўзбекистоннинг ташкилотдаги ташаббускорлиги, аниқ ғоя ва таклифлари унинг ишини жонлантирди, сўниб бораётган МДҲ фаолияти янги мазмун билан бойиди. Давлатлараро муносабатларда принципиал жиҳатдан ўзига хос саҳифа очилди, кенг кўламли ва самарали шерикликни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратилди. Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича “Йўл харитаси“ ишлаб чиқилди.

2020 йилда мамлакатимиз биринчи марта МДҲга раислик қилди ва Ҳамдўстлик саммитини муваффақиятли ўтказиб, унинг доирасида ўнлаб ташаббусларни илгари сурди. Мамлакатимиз ҳаётига доир энг муҳим воқеликлар қаторида Ўзбекистоннинг Туркий кенгашга тўлақонли аъзо бўлиб кириши, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича музокараларнинг олдинга силжиши, Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи давлат мақоми олишини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бир қаторда, мамлакатимиз Европа Иттифоқи билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокаралар жараёнини якунламоқда ва “GSP+” тизимида бенефициар давлат мақомини олди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақа ва дунё давлатларининг умумий муаммоларни ҳал қилишдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган ҳаётий ва долзарб ташаббуслари Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлардаги фаоллиги кескин ўсишига ҳамда тутган ўрни мустаҳкамланишига олиб келди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон ташаббуси ва таклифи билан БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди ташкил этилди, БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Маърифат ва диний бағрикенглик, Барқарор туризм ва барқарор ривожланиш, Оролбўйи минтақасида экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудини яратиш бўйича қатор муҳим резолюциялари қабул қилинди.

Шу билан бир қаторда, иқтисодий дипломатия тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш сезиларли даражада жадаллашди. Умуман олганда, юқорида кўрсатилган омилларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ҳамкорликка очиқ мамлакат сифатида янги қиёфаси шаклланишига йўл очди. “Янги Ўзбекистон” тушунчаси халқаро майдонда мустаҳкам жой олди. Ўтган йилларда нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Ишончли муносабатлар ва дўстона мулоқот

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев минтақада бирлаштирувчи кун тартибини тақдим этди, бу мамлакатимизнинг барча қўшни давлатлар билан давлатлараро алоқаларини сезиларли даражада яхшилаш ва мустаҳкамлашга имкон берди. Биринчи навбатда, ўтмишда қўшнилар билан алоқаларни мустаҳкамлаш учун тўсиқлар яратган минтақавий масалаларни конструктив ҳал қилишни бошлашдек масъулиятли ва муҳим вазифа белгилаб берилди. Қўшни давлатлар билан олий даражадаги ишончли муносабатлар ва очиқ мулоқот ўрнатилиб, икки томонлама ҳамда умумминтақавий масалаларни яхши қўшничилик, ўзаро ишонч, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш ва оқилона муросалар асосида ҳал қилиш учун зарур келишувларга эришилди.

Биргина 2022-2023 йилларда Марказий Осиё йўналишида 150 дан ортиқ олий ва юқори даражадаги тадбирлар амалга оширилди. Пировард натижада Марказий Осиё халқларининг бир-бирига яқинлиги таъминланмоқда, борди-келди алоқалари кўпайди, савдо-сотиқ муносабатларининг салмоғи анча ортди.

Кейинги йилларнинг ўзида минтақа мамлакатларининг ўзаро инвестициялари ҳажми деярли 6 баравар, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар оқими эса 45 фоиз ортди. Ўзбекистон Президенти Тожикистон пойтахтида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувидаги нутқида айтиб ўтганидек, минтақа мамлакатларининг умумий ички маҳсулоти 40 фоизга кўпайди. Товар айланмаси 2,5 баробардан зиёд ошди. Бундан ташқари, ички минтақавий туризм кўрсаткичлари деярли 2 баробар ортди. Ўзбекистоннинг барча Марказий Осиё давлатлари билан алоқалари стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Президент Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, жаҳон сиёсатшунослигида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора пайдо бўлди. Мазкур ибора минтақамизда яратилган ҳамкорлик ва ўзаро англашувга ижобий сиёсий муҳитни ўзида яққол акс эттиради.

Шу ўринда Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари мунтазамлик касб этгани ва бугунги кунгача Остона, Тошкент, Аваза, Чўлпонота ва Душанбеда бўлиб ўтганини айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, Марказий Осиё иқтисодий форумлари ҳам ўтказиб келинмоқда. Минтақавий ҳамкорлик ҳақида фикр юритганда, чегара масалаларини ҳал қилиш, сув-энергетика ресурсларидан биргаликда ва оқилона фойдаланиш, транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, қатор экологик муаммолар бўйича ишларни давом эттириш борасидаги интилишларни айтиб ўтиш мумкин.

Мазкур йўналишлар Ўзбекистон Президентининг қуйидаги масалаларни ўз ичига олган минтақавий стратегиясидан келиб чиқади:

биринчидан, икки томонлама мулоқотлар мобайнида ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари доирасида олий даражада эришилган барча келишувларни амалга ошириш;

иккинчидан, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик моделини такомиллаштириш, савдо ва инвестиция, саноат кооперацияси, транспорт, транзит, энергетика ва инновация соҳаларидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш;

учинчидан, минтақамиз олдида турган замонавий муаммолар ва таҳдидларга биргаликда қарши туриш, экологик масалаларни ҳал қилиш, экстремизм ва терроризм келтириб чиқарадиган трансмиллий таҳдидларнинг олдини олиш, шунингдек, Марказий Осиё халқлари ўртасидаги миллатлараро тотувлик, дўстона ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш.

Миллий манфаатлар устуворлиги

Ўзбекистон ҳамиша барча масаланинг, айниқса, узоқ ўн йилликлар мобайнида қўшни мамлакатларда ташвиш уйғотиб келган Афғонистондаги низонинг тинч йўл билан ҳал қилинишини ёқлаган ва ёқлайди. Биз афғон муаммосини ҳал этишнинг ҳарбий йўли йўқ эканини доимо таъкидлаб келганмиз. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида бу нуқтаи назарга кўпчилик хайрихоҳлик қилмоқда. Афғонистондан халқаро коалиция қўшинлари олиб чиқилгани ҳам бизнинг ёндашувимиз тўғри эканини кўрсатди. Биз Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги, жумладан, Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва Мудофаа доктринасига мувофиқ мамлакатимиз ҳарбий блокларда иштирок этмаслиги тўғрисида бир неча бор баёнот берганмиз. Бундан ташқари, бугунги кунда мамлакатимиз ўз миллий хавфсизлигини таъминлаш учун етарли салоҳиятга эга экани ҳам амалий жиҳатдан ўта муҳим. Ўзбекистонда ҳарбий қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар муваффақиятли бормоқда, миллий армиянинг ҳарбий-техникавий базаси мустаҳкамланмоқда.

Албатта, замонавий дунё ўта жадал суръатда ривожланмоқда. Глобал дунё қурилишининг архитектураси доимий ўзгариш жараёнини бошдан кечиряпти. Шубҳасиз, бу муайян таҳдид ва хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқармоқдаки, уларга турли йўллар билан, жумладан, ҳарбий иттифоқлар ва ташкилотлар воситасида қарши туриш мумкин. Бироқ хавфсизликка нисбатан таҳдидларга тўқнаш келганда фақат ҳарбий куч йўлини танлаш ҳамиша ҳам кутилган натижани беравермайди. Ахир самарадорлиги кам бўлмаган ва ҳатто кўпгина ҳолатларда хавфсизликка нисбатан таҳдидларга қарши туришда лозим даражада таъсирчан бошқа воситалар ҳам бор-ку. Ана шундай воситалардан бири, бу — дипломатия. Превентив дипломатия усуллари ўтган даврда ўзининг фойдали эканини кўп бор тасдиқлаган, ҳозирги пайтда ҳам амалий кучини, жумладан, Афғонистондаги янги вазиятга ёндашувларда тасдиқламоқда. Бу ерда гап фақат икки томонлама дипломатия ҳақида бораётгани йўқ. Халқаро миқёсда кўп томонлама даражада миллий ва минтақавий хавфсизликка нисбатан ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва хавф-хатарлардан огоҳ бўлишга қаратилган сиёсий-дипломатик механизмларнинг бутун бошли тизими яратилган ва у доимий равишда ривожланмоқда. Масалан, Марказий Осиёда минтақа мамлакатлари йирик шериклар билан мулоқотининг “5+1” шаклида мувозанатлашган механизмлар тизими мавжуд. Бундай платформалар Россия, АҚШ, Европа Иттифоқи, ХХР, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Япония, Кўрфаз давлатлари билан муносабатларда амал қилмоқда.

Марказий Осиёдаги жараёнларда иштирок этаётган йирик давлатларнинг манфаатлари турлича бўлиб, улар баъзан умумий нуқталарга эга бўлиш билан биргаликда, айрим ҳолларда ўзаро зиддиятли ҳамдир. Бу манфаатлар, қанчалик хилма-хил бўлса-да, улар мавжуд ва тарихий, жуғрофий омиллар ҳамда глобал тенденциялар билан чамбарчас боғлиқ. Шубҳасиз, бундай давлатлар интилишларидаги зиддиятлар минтақа мамлакатлари манфаатларига жавоб бермайди, чунки улар Марказий Осиё давлатлари олдига баъзан “геосиёсий танлов” шартини қўяди ва бунда бир томонга ёндашиш бошқа томон билан муносабатларда кескинликни келтириб чиқариши мумкин.

Табиийки, ҳар қандай суверен давлат халқаро майдонда ташқи кучларнинг манфаатларига қараб эмас, ўз эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда эмин-эркин ҳаракат қилишни, ўз иродасини турли томонлар босимига бўйсундирмасликни хоҳлайди. Аммо замонавий халқаро муносабатлар тизими “ассиметрик манфаатлар” билан боғлиқ вазиятлардан мустасно эмас. Бизнинг ташқи сиёсатимиз ана шундай вазиятларнинг олдини олишга, миллий манфаатлар поймол бўлишига йўл қўймасликка, Ўзбекистон билан шерикликдан манфаатдор бўлган ҳар бир томон учун тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатларни таъминлашга қаратилган. Бу мақсадга эришиш воситалари сирасига яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан мувозанатли стратегик шериклик тизимини шакллантириш, қўшни давлатлар билан конструктив ва яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш, глобал даражада кескин ўзгаришларнинг кенг миқёсдаги таъсирини юмшатишга ёрдам берадиган барқарор минтақавий хавфсизлик тизимини барпо этиш каби йўналишлар киради.

> Бундай оқилона сиёсат ўз самарасини беряпти. Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолдаги барча давлат Ўзбекистонга талпинмоқда. Яқин ойлар ичида Ўзбекистон Президентининг АҚШ, Германия, Франция, Италия каби Ғарб давлатлари, Россия ва Хитой каби Шарқнинг қудратли давлатлари, Кўрфаздаги Саудия Арабистони, БАА, Қатар каби бақувват давлатлар раҳбарлари билан мулоқотлар олиб боргани, ўзаро эришилган манфаатли битимлар дунёнинг Марказий Осиёга муносабати ижобий томонга анча ўзгаришига сабаб бўлди. Марказий Осиё давлатлари геосиёсий нуқтаи назардан муҳим эканлигини дунё англаб етмоқда. Ўзбекистонни эса ҳақли равишда Марказий Осиёнинг юраги, дейишяпти. Зеро, Марказий Осиёда ҳеч бир масалани минтақадаги асосий мамлакат, тарихий Туроннинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон иштирокисиз ҳал қилиб бўлмайди. Боз устига, фаол ташқи сиёсат Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини ошириш баробарида Марказий Осиёни барқарор, улкан имкониятга эга жозибали минтақага айлантиришга хизмат қилмоқда.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори.

Фахр

Ибрат

Ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёевга бағишлайман.

Бахтлилар бахтини баҳам кўрсинлар,
Уйғониб оламни кўркам кўрсинлар,
Тинчликда элини хуррам кўрсинлар,
Сизнинг тилагингиз булоқдек тоза,
Арзийди бор дунё олса андоза.

Туркий дил, туркий тил бирлиги учун,
Тилу дили бир эл бирлиги учун,
Дейсиз: “Бирлашганлар бўлар бир бутун!” —
Сўзингиз оламга бўлди овоза,
Арзийди бор дунё олса андоза.

Майли, ким ҳасаддан ғавғолар солар,
Валекин яхшидан яхшилик қолар,
Одамзот аслида экканин олар,
Косанинг тагида мудом нимкоса,
Арзийди бор дунё олса андоза.

Очилган тўсиқлар — очилган кўнгил,
Қувончи тўрт тараф сочилган кўнгил.
Эй ғаним, тан олгин, одил бўл, одил,
Қардошлар бир-бирин бағрига босса,
Арзийди бор дунё олса андоза.

Буюк аждодларнинг матлаби — дўстлик,
Туркий тараққиёт мактаби — дўстлик,
Абут-Турк авлодин талаби — дўстлик,
Бургутга ярашар қанотин ёзса,
Арзийди бор дунё олса андоза.

Очиқ сиёсатнинг оппоқ тонглари,
Қадим Туркистоннинг янги ранглари,
Янги Ўзбекистон янги бонглари,
Ҳайратга солмоқда очунни роса,
Арзийди бор дунё олса андоза.

Турон, Туркистоннинг қадридек юксак,
Олий мукофотлар Сизга муборак!
Ҳар ўзбек кўксида кўрмоқда, бешак,
Ким дўст, келаберсин қулочин ёза,
Сиздан ибрат олмоқ мардга андоза!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири,
сенатор.

---

11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Нукус шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон Кенгаши мутасаддилари ҳамда ёшлар учрашуви бўлиб ўтди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтказилган тадбирда олий ўқув юртларида таълим олаётган талабалар, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ёш мутахассислар ҳамда касаба уюшма фаоллари қатнашди.

11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни байрами арафасида ташкил этилган учрашувда ёшларга мамлакатимизда демократик тамойиллар, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси, шунингдек, фуқаролар, айниқса, навқирон авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Бундан ташқари, касаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш йўналишида амалга оширилаётган тизимли тадбирлар, бу орқали меҳнаткашлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида жамоа келишувлари ва шартномаларига киритилаётган ўзгариш ҳамда қўшимчалар хусусида ҳам сўз борди.

Таъкидланганидек, Қорақалпоғистон касаба уюшмалари Кенгаши касаба уюшмаларнинг 314 минг 745 нафар аъзосини бирлаштирган бўлиб, шундан 30 ёшдан ошмаган ёшлар 114 минг 894 нафарни ташкил этмоқда. Улардан 40 минг 183 нафари ёш меҳнаткаш ҳамда 50 минг 454 нафари талаба ёшлардан иборат.

Тадбирда бугунги кунда касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга талаба ёшларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани, уларнинг иқтидорларини юзага чиқаришга кўмаклашаётгани, шартнома тўловларини қоплаб бераётгани алоҳида қайд этилди.

Учрашув доирасида таълим олиш билан бирга жамоатчилик ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, ҳар томонлама намунали ҳамда иқтидорли, шунингдек, кам таъминланган оилалардан бўлган ва жисмоний имконияти чекланган талабалар касаба уюшмалари томонидан таъсис этилган стипендия ҳамда касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар билан рағбатлантирилди.

Тадбирда бир қатор ёш меҳнаткашларга Кенгашнинг фахрий ёрлиқлари топширилди.

«Халқ сўзи».

ИҲТнинг ТОШКЕНТ САММИТИ

кенг минтақага тегишли муаммоларни ҳал қилишда умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун янги майдон

1 Мамлакатимиз ИҲТга Жанубий Осиё, Марказий Осиё ва Яқин Шарқда ривожланишни яхшилаш, савдо ва сармоявий имкониятларни илгари суриш йўлларини муҳокама қилиш учун платформа сифатида қарайди.

Ўзбекистон ушбу ташкилот доирасида минтақаларо транзит хабларини ташкил этиш, замонавий транспорт ва йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, транспорт ва транзит тарифларини оптималлаштириш ҳамда қўшимча чегирмаларни тақдим қилиш, халқаро юк ва йўловчи ташиш шартларини енгиллаштириш, транспорт соҳасини рақамлаштириш масалаларига аниқ ечимлар топиш тарафдори.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёев Ашходдаги саммитда "яшил" иқтисодиётни биргаликда фаол ривожлантириш, саноат тармоқларига ресурс тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, углерод нейтраллигига эришиш ташаббусини илгари сурди.

Ўзбекистон, шунингдек, Афғонистонга умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва зарур ёрдам кўрсатиш учун кучларни бирлаштириш тарафдори. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Афғонистон билан биргаликда ушбу мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва афғон халқини қўллаб-қувватлаш мақсадида минтақавий аҳамиятга молик йирик савдо, транспорт ва энергетика лойиҳаларини амалга оширишни изчил давом эттириш ташаббуси билан чиқди.

Бугунги кунда ИҲТ давлатлари Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорлари ҳисобланади. 2022 йил якуни бўйича Ўзбекистон ва ИҲТ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 12,3 миллиард АҚШ долларини, 2023 йилнинг январь — июль ойларида эса 5,8 миллиард долларни ташкил қилди.

2018 йил май ойидан бошлаб Ўзбекистон ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ўртасида алоқалар фаоллашгани кузатилмоқда. Хусусан, 2018 йилдан буён ташкилот бош котиблари Халил Акча, Хади Сулеймонпур, Хусрав Нозири, шунингдек, бош котиб ўринбосари Ҳусайн Бичакли Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон томонининг ушбу тузилма шафелигида ўтказилаётган халқаро тадбирлардаги иштироки ҳам сезилари даражада фаоллашди.

Ўзбекистон расмий делегациялари бош прокурорлар, денгиз ташкилотлари раҳбарлари, транспорт, туризм ва қишлоқ хўжалиги вазирлари йиғилишларида, шунингдек, аъзо мамлакатларнинг минерал ресурслар бўйича эксперт гуруҳи ва ветеринария ташкилотлари раҳбарларининг учрашувларида иштирок этмоқда.

2020 йилдаги коронавирус пандемияси туфайли кўплаб тадбирлар онлайн тарзда бўлиб ўтди. Жумладан, ИҲТга аъзо давлатлар йиғилиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (UNIDO) ва "ECOLONER" халқаро энергетика консалтинг компаниясининг ИҲТ Тоза энергия марказини ташкил этиш лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича учрашуви, ИҲТнинг "Минтақавий электр энергияси бозорларининг истиқболлари ва муаммолари: савдо ва сармоявий имкониятлар" конференцияси, Фуқаролик авиацияси ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши (ноябрь), ИҲТнинг географик кўрсаткичлар бўйича минтақавий семинари (ноябрь) онлайн шаклда ташкил этилди.

2020 йил декабрь ойида бўлиб ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар транспорт вазирларининг виртуал учрашуви якунларига кўра, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё — Афғонистон — Покистон, Марказий Осиё — Афғонистон — Эрон, Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон автомобиль ва темир йўл транспорти йўлакларини яратиш бўйича ташаббуслари ташкилотга аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва якуний Декларацияга киритилди.

2021 йил январь ойида ИҲТга аъзо давлатлар Махсус иқтисодий зоналари раҳбарларининг биринчи йиғилиши ва Минтақавий режалаштириш кенгашининг 31-йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон раислигида 2022 йил 17 — 26 январь кунлари бўлиб ўтган ИҲТ Минтақавий режалаштириш кенгашининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз ташаббуси билан 2022 йил "Ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига раислиги даврида 25 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

Хусусан, 2022 йил 5-6 июль кунлари Тошкент шаҳрида ташкилотга аъзо давлатлар қишлоқ хўжалиги вазирларининг 7-йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда ташкилот бош котиби Хусрав Нозири ҳам қатнашди.

2022 йил 13 декабрь куни ИҲТ давлатлари туризм вазирларининг тўртинчи йиғилиши онлайн тарзда ташкил этилди. Мазкур йиғилиш якунларига кўра, Шаҳрисабз шаҳри "2024 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти туризм пойтахти" деб эълон қилинди.

Шу ўринда қайд этиш керакки, Ўзбекистон Президенти 2022 йил 5 декабрда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига тўлақонли аъзоликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар билан кенг ҳамкорлик қилиш имконини берувчи "Измир Шартномасини ратификация қилиш тўғрисида"ги Қонунни имзолади.

2023 йил 24 январь куни Тошкентда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 26-йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ташкилотга аъзо барча давлатлар ТИВ раҳбарлари илк бор иштирок этишди. Учрашув якунлари бўйича Тошкент коммюникеси имзоланди. Шу куни Ўзбекистон Президенти Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котибини қабул қилди.

Шунингдек, ИҲТ бош котиби Хусрав Нозири 2021 йил октябрь ойида бўлиб ўтган Президент сайловида ва жорий йилнинг 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича референдумда халқаро кузатувчи сифатида қатнашганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ташкилот навбатдаги саммитининг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар билан ўзаро ҳамкорлигига янги суръат бағишлаши, бирлашма учун долзарб масалаларни ҳал этишда умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш, шунингдек, кенг ИҲТ маконида истиқомат қилаётган барча халқлар манфаати йўлида минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича тузилманинг кейинги устувор йўналишларини белгилаш учун янги асос яратади.

«Дунё» АА.

ХАЛҚИМИЗНИНГ САДОҚАТЛИ ФАРЗАНДИ

1

Мўъжизакор меҳнатнинг илоҳий кучи

Оқил САЛИМОВ, академик:

— Бир умрлик тинимсиз, мўъжизакор меҳнат, Ватанига бўлган чексиз муҳаббат Шароф Рашидовга сўнмас илоҳий куч ато этган. Янги ерларни ўзлаштириш учун олиб борилган мислсиз курашлар, республикамизда бунёд этилган сон-саноқсиз боғу роғлар, даҳшатли зилзиладан тутдай тўкилган Тошкентдек азим шаҳарнинг қайта қад кўтариши, қанчадан-қанча ер остию ер усти иншоотларининг бунёд этилиши, маданиятимиз, адабиёт ва санъатимиз равнақи йўлидаги жонбозликлар, қолаверса, ўзбек халқини, унинг маданиятини хорижий мамлакатларга танитиш, ўзаро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги тақдирига айланган эди.

Шароф Рашидов раҳбарлигида барпо этилган хиёбонларда ҳордиқ чиқараётган, пойтахтимиздаги метрополитен хизматидан фойдаланаётган, театрлару музейлар, санъат саройлари ё сайилгоҳларда бўлган ҳар бир инсон унинг порлоқ хотираси олдида ҳурмат бажо келтиради. Шароф Рашидов Ўзбекистондаги бунёдкорлик ишлари билангина чекланиб қолмасдан Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги можарони тўхтатишга муносиб ҳисса қўшган, АҚШ ва собиқ иттифоқ ўртасида ядро урушига бир баҳя қолганида Куба раҳбарлари билан музокараларда фаол қатнашиб, вазиятнинг юмшатилишига эришган.

Шароф Рашидовнинг ўлимидан сўнг уни қоралаш бўйича олиб борилган "рашидовчилик" деган бўҳтон ҳақида ҳам айтиб ўтмоқчиман. Шароф Рашидов дунёдан кўз юмганида, аввало, ўзи умр бўйи ҳимоя қилган, садоқат билан хизмат бўлган тузум унга хиёнат қилди, хотирасини таҳқирлаб, қабрини кўчирди. Оила аъзолари ва қариндош-уруғларини таъқиб этди.

Афсуски, бу тарихимиздаги энг катта хатолардан бўлди. Бунинг учун ўша вақтда мансабни деб, ўз манфаати ва обрўсини ўйлаб, ор-номусини, эл-юртини сотган бир гуруҳ кимсалардан бошқа ҳеч ким айбдор эмас. Шароф Рашидовга нисбатан мунофиқлик ва хоинлик қилганларни ҳаётнинг ўзи жазолади. Энг муҳими, бугун халқимиз уларнинг номини деярли эсламайди. Аслида уларга энг ҳақли, энг оғир жазо шу.

Шукурки, ҳақиқат қарор топди. Шароф Рашидов оқланди, унинг номи абадийлаштирилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жиззах шаҳрида унинг мемориал уй-музейини ташкил этиш ва музей ҳудудини ободонлаштириш ишлари амалга оширилди, она юрти Жиззахда ҳайкали қад кўтарди, туман, кўчалар шу улуғ сиймонинг номи билан аталди.

Камтарлик — камолот белгиси

Собир ҚУРБОНОВ, меҳнат фахрийси:

— Шароф Рашидов феномени ҳақида ўйлаганимда, мени, биринчи галда у кишининг халқимизга хос камтарлиги ҳайратга солади. Бу оддий камтарлик эмас эди. Унда улуғворлик, мардлик, фидойилик каби халқимизнинг ажойиб фазилатлари намоён бўлиб турарди.

Бир воқеани кўп эслайман. Чамаси, 1973 йил эди. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида музей ташкил қилинишига олимлар, меҳнат фахрийлари, мутахассис ва рассомлар жалб қилинди. Экспонатлар тарихий нуқтаи назардан тўғри танланган ва ўринли жойлаштирилган, ёзувлар аниқ ва тушунарли. Биз мавжуд бир-икки камчиликни бартараф қилишни тавсия этиб, музей очиш учун тайёр эканлиги ҳақида Тошкентга ахборот етказдик.

Шундан кейин музейнинг очилиш маросимига шахсан Шароф Рашидов борди. У киши майдончада йиғилган одамларга яқинлашди, қўлини кўксига қўйган ҳолда саломлашиб, маҳаллий раҳбарлар ва биз билан қўл бериб кўришди. Кейин музей эшигига тортилган лентани кесди. Тахминан 20 — 30 дақиқа давомида музей экспонатларини кўздан кечириб, фахрий меҳмонлар китобига ташаккурнома ёзиб қолдирди.

Музей биносидан чиқаётганида мени ёнига чақирди ва кираверишдаги хонага осиб қўйилган портретини кўрсатиб:

— Буни бу ердан олдиринг. Эсингиздан чиқмайдими? — деб сўради. Ташқарига чиққандан кейин, уни кутиб турган одамлар билан хайрлашаётганида, яна бир марта ўзининг портретини олиб қўйишни менга эслатди.

Шароф Рашидовнинг эл ҳурматига сазовор бўлган беназир ва камтарин инсон эканлигини тасдиқловчи бундай мисоллар жуда кўп.

Адолат қарор топди

Абдусамат ПОЛВОНЗОДА, адлия фахрийси:

— Мустақилликнинг аҳамиятини англашда буюк инсон, давлат арбоби Шароф Рашидовнинг ҳаётини, мураккаб фаолиятини ва унга нисбатан қилинган адолатсизликларни холисона ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонни 24 йил давомида бошқарган Шароф Рашидов номи ўзбек халқининг тарихи, ҳаёти билан пайваста. У миллат гарданига юк бўлиб тушган пахта яккаҳукмронлиги даврида, ҳеч бўлмаса, халқнинг оғирини енгиллаштириш, ижтимоий шароитини яхшилаш мақсадида қўлидан келганича хизмат қилди, халқнинг меҳр-муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлди. Мустамлакачилик тузумининг жуда мураккаб ва оғир йилларида юртимиз тараққиёти, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшди.

Ўша пайтда Ўзбекистоннинг 65 фоиз аҳолиси фақат пахта етиштириш билан шуғулланар, миллионлаб одамлар — мактаб ўқувчилари, талабалар марказнинг топшириғи билан декабрь охиригача пахта териш билан банд эди.

Ўзбекистондан марказга юборилган ахборотларда пахта етиштириш учун сув етишмаслиги, Орол денгизининг қуриётгани, пахта учун берилаётган маблағ ниҳоятда озлиги, колхозчилар иқтисодий аҳволи, турмуш тарзининг ўта ачинарли эканлиги, пахта зараркунандаларига қарши ишлатиладиган гербицидлар туфайли кўплаб пахтакорлар заҳарланаётгани асослаб берилар эди. Аммо марказ минглаб пахтакорларнинг оҳу зорига эътибор бермасди. Ҳаттоки марказ раҳбарларидан бири пахтани Ўзбекистондан эмас, Мисрдан олиш мумкинлигини айтиб, харид нархини кўтаришга қарши турган.

Ана шундай бир пайтда юртимизда "Пахта иши", "Ўзбеклар иши" номи билан тарихда қолган қатағонлар авж олди. Юқори лавозимларда ишлаган шахсларга нисбатан тергов ҳаракатлари олиб борилди, улардан иқрорлик кўргазмаларини олиш учун юзлаб қариндошлари, қўшнилари, ҳатто танишлари қамоққа ташланиб, қийноққа тортилди.

Бироқ мамлакатимиз мустақилликка эришгач, адолат қарор топди. Ишлар қайта кўриб чиқилиб, ноҳақ айбланганлар оқланди. Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқин тарихимизда юз берган бу воқеаларга адолатли баҳо берди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилаётган чуқур ислоҳотлар, энг аввало, Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ишончли кафолатлашга қаратилмоқда.

Носир ТОИРОВ, Нуруллоҳ ОСТОНОВ («Халқ сўзи») уюштирди.

2024 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ ҲАМДА ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

1 Йиғилишда давлат дастурининг 2023 йил тўққиз ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи ҳам кўриб чиқилди.

Депутатлар ҳисоботни кўриб чиқиш чоғида давлат дастури доирасида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Ҳисобот даврида "Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасидаги илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш дастури" тасдиқланган, унинг доирасида сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш бўйича умумий қиймати 33,6 млрд. сўмга тенг 20 та лойиҳа молиялаштирилгани фракция аъзолари томонидан алоҳида қайд этилди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида ЎзЛиДеП сайловолди дастурининг яна бир муҳим йўналишларидан бири — қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган самарали ишлар ҳам депутатлар томонидан ижобий баҳоланди.

Ўтган даврда деҳқон хўжаликларини тадбиркорга, ер эгасига айлантириш, бунинг ҳисобига қишлоқларда ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласини ҳал этиш мақсадида тасдиқланган чора-тадбирлар дастурлари доирасида 88,6 минг гектар ер майдонлари "E-AUKSION" электрон савдо платформасида очиқ электрон танловларга чиқарилган ҳолда 236,9 минг нафар голибга ажратиб берилгани алоҳида эътироф этилди.

Йиғилишда депутатлар томонидан кўтарилган барча саволларга тегишли вазирликлар масъуллари атрофлича жавоб қайтарди.

Ижрода масъулият ва талабчанлик муҳим

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида бюджет тақчиллиги масаласига эътибор қаратди.

Таъкидлаб ўтилганидек, ушбу ҳужжат билан 2024 йилда бюджет тақчиллигининг юқори чегараси 4 фоиз этиб белгиланган сабабли келгуси йил учун ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг жами чекланган ҳажми оширилиб, 5,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгилаш таклиф этилмоқда. Бунда Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, жумладан, тақчилликни молиялаштириш учун 2,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида белгиланяпти. Валюта хатарини камайтириш мақсадида Ўзбекистон номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажмини оширган ҳолда 25,0 трлн. сўм миқдорда белгилаш таклиф қилинмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини синчиклаб таҳлил қилди ва Ҳукумат вакилларини айрим масалаларда саволга тутди. Масалан, фракция аъзоси Мухтабар Ҳусанова "Ташаббусли бюджет" орқали кўплаб лойиҳалар қўллаб-қувватланаётгани, бу эса ҳудудлардаги ижтимоий муаммолар ечимида муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаб, мутасаддилар эътиборини етарли овоз ололмаган айрим лойиҳаларга қаратди. Ҳукумат вакиллари ушбу масаланинг ҳақиқатда долзарблигини, бу бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилиб, зарур овоз тўплолмаган лойиҳаларни ҳам қўллаб-қувватлаш мақсадида Бюджет лойиҳасида қўшимча маблағ ажратилаётганини қайд этди.

Йиғилишда, шунингдек, педагог ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг самарали тизим ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, улар ўртасида соғлом рақобатни амалга ошириш, мактаблар ошхоналарини талаб даражасида яхшилаш, бошланғич синф ўқувчиларини бепул тушлик билан таъминлашга оид қатор масалалар юзасидан мутасаддилар ўз фикрларини билдирди.

Давлат дастурининг жорий йил 9 ойи якуни ижроси муҳокамасида қайд этилганидек, ҳисобот якунида ЯИМ ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,8 фоизни ташкил қилган. Давлат бюджети даромадлари 98,8 трлн. сўмга ижро этилган. Жами харажатлар 201,3 трлн. сўм, шундан ижтимоий соҳаларга йўналтирилган харажатлар 98,5 трлн. сўм бўлган. Ушбу сарфланган харажатлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 18,3 фоизга ошган.

Депутатлар Давлат дастурининг жорий йил 9 ойи якуни ижросини қизғин муҳокама қилиб, бюджетдан ажратилган маблағдан мақсадли фойдаланиш ҳамда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш ва бу борада назоратни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар мақсадли сарфланади

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб давлат дастурининг 2023 йил тўққиз ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилган. Хусусан, бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида тасдиқланган чора-тадбирлар доирасида 5,9 млн. нафар 18 — 40 ёшли аҳоли профилактик тиббий кўриклардан ўтказилган. Касалликлари мавжуд аҳолининг 1,4 млн. нафари амбулатор шароитда, 41 минг нафари эса стационар шароитда соғломлаштирилган.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари давлат дастури асосида амалга оширилган кенг кўламли ишларни эътироф этиш билан бирга, айрим масалалар юзасидан Ҳукумат аъзоларини саволларга тутишди. Дастур доирасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўймаслик зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга, ҳудудий бошқарув органларининг бюджетни ишлаб чиқиш, маблағларни тасарруф қилишдаги роли ва мустақиллигини оширишга катта эътибор қаратилгани билан аҳамиятли экани қайд этилди.

Депутатларнинг фикрича, лойиҳада ижтимоий соҳага, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилган. Бу ушбу йўналишдаги ислоҳотларни амалга ошириш, сифатли таълимни таъминлаш ва аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишга имкон яратади.

Мунозаралар чоғида депутатлар ушбу маблағлар тизимли ва мақсадли ҳамда ўз вақтида сарфланишига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги, шу билан бирга, тиббиёт соҳасига ажратилаётган маблағларни сарфлашда республиканинг чекка, бориш қийин бўлган ҳар бир қишлоқ ҳудудида, аҳоли сонидан қатъи назар, алоҳида тиббиёт муассасаси фаолиятини ташкил қилиш ишларини якунлаш лозимлигини билдирди.

Кам даромадли оилалар турмуш тарзини яхшилашга эътибор қаратилмоқда

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари давлат дастурининг 9 ойлик ижроси муҳокамасида бюджет маблағларининг катта қисми ижтимоий соҳаларга ажратилганини ҳисобга олиб, хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, ишсиз ва кам даромадли оилаларга ёрдам қилиш, соғлиқни сақлаш, таълим тизими каби қатор йўналишлардаги камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар учун йўналтирилган маблағларнинг мақсадли ва манзиллилигини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратди.

Хусусан, жорий йилнинг 9 ойи давомида 30 ёшдан ошган 7,7 млн. нафар хотин-қиз хатловдан ўтказилиб, уларнинг 1 млн. 680 нафари "аёллар дафтари"га киритилган. 929 минг 813 нафарига ёрдам кўрсатилган.

Бундан ташқари, ёшлар муаммолари ва мурожаатлари билан ишлашнинг янгича механизми жорий этилиб, йигит-қизларга "yoshlardaftari.uz" электрон платформаси, "1093" қисқа рақамли Call-марказ ёки маҳалла етакчиси орқали онлайн ариза қолдириш ва мурожаат ҳолати тўғрисида маълумот олиш имконияти яратилган. Ҳисобот даврида ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиши натижасида ёшлар мурожаатларини кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунга, ёрдам кўрсатиш 40 кундан 16 кунга қисқартирилишига эришилган, етакчилар тавсияси асосида кўрсатиладиган ёрдам турлари 11 тадан 25 тага етказилган.

Фракция йиғилишида, шунингдек, "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда Бюджетнома кўриб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, лойиҳада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш жами харажатлари учун 18,6 трлн. сўм, шундан кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдамлар тўлаш харажатларига 10,3 трлн. сўм маблағ режалаштирилмоқда. Фракция аъзолари ушбу маблағлар камбағалликни қисқартириш, кам даромадли оилаларнинг турмуш тарзини яхшилашда долзарб аҳамиятга эга эканини қайд этишди.

Шунингдек, келгуси йилда кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдамлар тўлаш, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг тизим ташкилотларини (болалар ва Меҳрибонлик уйлари, вояга етмаганлар билан ишлаш секторлари ҳамда оилавий болалар уйлари) сақлаш харажатлари, маҳаллаларни нодавлат нотижорат ташкилот ва бюджетдан маблағ олувчи сифатида сақлаш харажатлари республика бюджетидан молиялаштирилиши белгиланмоқда.

Депутатлар Давлат бюджетининг тақсимоти билан боғлиқ масалаларда масъулларга саволлар билан мурожаат қилди. Чунончи, фракция аъзоси Мақсуда Ворисова дори-дармоннинг реализацияси билан боғлиқ масалани кўтариб, соҳадаги суғурталаш тизимининг бекор қилиниши, солиқларни жорий этиш нарх-навонинг ошиб кетишига таъсир қилиши мумкинлигини таъкидлади. Бу борада Сирдарёдаги воқеалар бирор қарор чиқаришдан олдин жиддий ўйлаб кўришни тақозо қилиши қайд этилди. Шу билан бирга, 40 ёшдан ошган фуқароларни қандли диабет касаллигига текшириш учун маблағлар йўналтирилмаганига эътироз билдирди.

Ўз навбатида, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги аҳоли глюкоза топшириши учун 14 миллиард қўшимча маблағ лойиҳага киритилишини маълум қилди.

Фракция аъзолари кун тартибидаги масалалар юзасидан келтирилган рақамлар, тақдим этилган маълумотлардан келиб чиқиб тегишли қарорлар қабул қилди.

Экологик барқарорлик — тараққиёт кафолати

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида давлат дастурининг 9 ойлик ижроси доирасида муайян соҳаларда қатор ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларининг ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 10 фоизгача қисқартириш мақсадида янги ишга туширилган 29 та корхонада самарадорлик даражаси 99,5 фоиздан кам бўлмаган чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилган.

Шунингдек, Орол фожиасининг олдини олишга қаратилган ўрмон-мелиоратив тадбирларини жадаллаштириш мақсадида Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи минтақасида бугунги кунгача жами 195 минг гектар, шундан Мўйноқ туманида 128 минг гектар, Бухоро вилоятида 40 минг гектар, Хоразм вилоятида 10 минг гектар ва Навоий вилоятида 17 минг гектар майдонда "яшил қопламалар" барпо этилган.

Йиғилишда фракция аъзолари глобал иқлим ўзгаришлари шароитида минтақада юзага келаётган сув тақчиллигини юмшатиш мақсадида сув ресурсларини бошқаришни тубдан ислоҳ қилиш ва сувни тежаш бўйича вазифалар ижросини самарали ташкил этиш ҳамда бу борада назоратни кучайтириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар беришди.

Шундан сўнг "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда дунёда кузатилаётган таҳликали вазиятларга қарамасдан мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш, энергия ресурслари бозорини ислоҳ қилиш, хусусийлаштириш ва трансформация қилишни янада жадаллаштириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Муҳокамаларда депутатлар томонидан минтақамизда сув муаммоси тобора долзарб аҳамият касб этаётганлиги юзасидан фикрлар билдирилди. Сўнгги икки йилда сув хўжалигига бюджетдан 22 трлн. сўм, жумладан, сув тежовчи технологияларга қарийб 1 трлн. сўм субсидия ажратилганлигига эътибор қаратилди.

Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида келгуси йилларда суғориш каналларини бетонлаш, сув тежовчи технологияларни ўрнатиш, сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, 2024 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган мақсадли кўрсаткичлар кўриб чиқилди.

Лойиҳани шакллантириш ва ижроси бўйича ҳисоботларда бюджет харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш (маркировкалаш) механизмларини жорий қилиш лозимлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, "яшил" иқтисодиёт ва "яшил" молиялаштириш механизмлари, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилиш бўйича қонунчилик базасини яратиш юзасидан фикрлар алмашилди.

Фракциялар йиғилишларида "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда давлат дастурининг 2023 йил тўққиз ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи маъқулланди.

Кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича фракцияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2023 йил 7 ноябрь

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Унинг асосий бунёдкори кимлар?

1 Ғарбда ўрта синфга даромади оиласи эҳтиёжига тўла етадиган, кексалиги учун бир оз маблағ жамғариш имконига эга кишилар киради. Бизда эса зиёлилар ва турли тоифадаги хизматчиларнинг аксарияти ҳозирча даромади бўйича ўрта синф мезонига бир оз тортмайди. Аммо жамиятнинг ижтимоий ва маданий ҳаёти, таълим, тарбия, бошқарув, илм-фан, соғлиқни сақлашда тутган ўрни бўйича ўрта синфнинг етакчи қатлами ҳисобланади.

Ўрта синф янги Ўзбекистонни барпо этиш, учинчи Ренессанс асосини яратиш, миллий ғояни амалга оширишнинг ҳам асосий ҳаракатлантирувчи субъекти, ижодий ва креатив кучидир. Қуйи синф, ҳокимиятга ва жамиятга зиддиятли муносабатларга қарамай, миллий тил, маданият, урф-одат, умуман, миллий менталитет ва миллий психологиянинг ташувчиларидир. Миллий бойликлар асосий қисмини қуйи синф меҳнати яратади. У халқнинг нисбатан катта қисмини ташкил этади.

Ўрта синф мамлакат осойишталигидан, нарх-наво барқарорлигидан, ижтимоий адолат, демократия ва қонун устуворлиги таъминланишидан бошқа ижтимоий гуруҳларга нисбатан кўпроқ манфаатдор. Олигархлар ва йирик капитал вакилларининг аксарияти турли геосиёсий ўйинлар, ички ва ташқи зиддиятлардан фойдаланиб даромадини янада кўпайтиришга қарши эмас. Йирик сармоядорлар турли тасодифлардан ҳимоялаш учун бойлигини турли мамлакатларнинг ҳар хил қимматли қоғозларида сақлайди, инвестиция сифатида мамлакатига нисбатан жами олинганда ўзга давлатлар ривожига кўпроқ киритади. Қалтис вазиятларда ўз мамлакатидан офшор зоналарга, бошқа мамлакатлар банкларига олиб чиқиб кетишга уринади. Шу маънода, уларнинг "ватани йўқ" дейиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, олигархларнинг Ватани, миллати нисбий тушунча. Қаер бойиш учун қулай ва хавфсиз бўлса, ўша ер унга ватандир. Олигархларнинг ватанпарварлиги беқарор. Бунга ўтмишдан ва ҳозирги кундан истаганча мисол келтириш мумкин.

Тарихдан яхши маълумки, йирик даромад эгалари, аммо капиталист бўлмаган Хўжа Аҳрор Вали, Алишер Навоий масжид, мадраса, ҳаммом, кўприк, йўл қуриш, ариқ қазиш ва улкан ободончилик ишларини амалга оширган. Қурғоқчилик сабабли иқтисодий ночорлик юз берганида, савдосотиқ таназзулга юз тутиб, деҳқонлар ва ҳунармандлар қийналиб қолганида бу улуғ инсонлар аҳолининг уч йиллик солиғини ўз ҳисобидан тўлаб юборган. Аммо сармоядорлар орасидан саховатпеша, халқпарвар кишилар жуда кўп чиқмаган. Уларнинг ватанпарварлиги, сахийлиги олган тарбиясига, индивидуал фазилатига боғлиқ бўлган. Бугунги кунда олигархларнинг ҳомийлик ва турли ижтимоий фондларга маблағ ажратиши кўпроқ реклама мақсадини кўзлайди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, аҳоли, меҳнаткаш омма, ишчи ва хизматчилар норозиликлари, кўча намойишлари, одатда, ўрта ва кичик корхоналарга қарши эмас, балки йирик корхоналарда ва муайян тармоқда адолат бузилишига ёки ҳукуматнинг бу борадаги сиёсатига, қарорига қарши содир бўлади. Аёнлашмоқдаки, йирик капитал ниҳоятда зиддиятли ижтимоий феномендир.

Камбағаллик чегарасида яшайдиган, ойлик маошлари паст, малакасиз қора ишчилар, уюшмаган ишсизлар, бекорчи ёшлар сиёсий беқарорликнинг потенциал манбаидир. Улар ички ва ташқи мухолиф кучлар қўлида сиёсий тартибсизлик ва ғалаёнлар иштирокчисига тез айланади. Кўча намойишлари, ур-йиқитлар ва "рангли инқилоб"ларнинг ижрочилари айнан мазкур қатламдир. Шу боис бу қатламни ижтимоий муҳофаза қилиш, малакали касб эгаллашига шароит яратиш, ишсизликни минималлаштириш, умуман, жамиятда "социал лифт"лар тизимини такомиллаштириб бориш жуда муҳим.

Давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланганидек, "Биз бир нарсани тўғри тушунишимиз керак: **битта ишсиз одам — ўнта муаммо дегани**. Бу муаммолар ишсиз одамнинг ўзига, оиласи ва маҳалласига, жамиятга келтирадиган зарарини ҳисобласак, масаланинг нақадар жиддий экани янада ойдинлашади".

Шу ўринда "социал лифт"лар нималиги хусусида тўхталмоқчимиз. Инсон қуйи ижтимоий қатламлардан юқорироқ қатламга кўтарилиши учун хизмат қиладиган жамият яратган ижтимоий-иқтисодий, касбий, ҳуқуқий, ахлоқий, таълим олиш бўйича яратилган шарт-шароитлар, воситалар "социал лифт"лар ҳисобланади. Масалан, қишлоқда оддий деҳқон оиласида ўсган йигит-қиз олий маълумот олиб, шаҳарда қолиши, юқори маошли ишга жойлашиб, инженер-техник ёки бошқа гуманитар соҳа зиёлилари қатламига кириши, кейинчалик қобилиятига қараб нуфузли мансабларни эгаллаши мумкин. Таълим олиш, ишда ўзини кўрсатиб, креативлик намоён қилиш, иқтидор, ижтимоий келиб чиқишига кўра ҳуқуқлари чекланмаслиги "социал лифт" вазифасини бажаради.

"Социал лифт"ларнинг турлари кўп. Уларнинг айримлари ижтимоий адолатни таъминлашда, инсоннинг ўз имкониятларини, қобилиятини юзага чиқаришда жуда ижобий роль ўйнайди. Аммо айримлари ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатдан номақбул. Айниқса, ижтимоий келиб чиқишига қараб ёки пора эвазига хизмат поғоналарида ўсиш, нуфузли бой кишига куёв бўлиб, юқори даромадга эришиш, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, ўзига содиқ, лекин нолойиқ кишини мансабга кўтариш ва ҳоказо. Шу боис табақавий имтиёзлар индустриал жамиятдаёқ бекор қилинганди. Қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат таъминланиши, инсон келиб чиқишига, социал ҳолатига қараб камситилмаслиги ҳамда коррупция, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, миллатчилик ва шу каби бошқа иллатлар минималлаштирилиши керак.

Ўзбекистонда айнан шундай сиёсат юритилмоқда. Аммо онгимизга чуқур ўрнашган қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик ва бошқа иллатлар ҳалиям анча кучли. Унутмаслик керакки, юқорида қайд этилган икки синф — олигархлар, йирик капитал ва пролетарлашган омма — сиёсий барқарорлик ва барқарор ривожланиш учун маълум вазиятларда потенциал хавф туғдиради.

XXI асрда одамлар турли йўллар билан шунчаки кун кўришни эмас, яхши яшашни истамоқда. Ҳаёт сифати ўсганини, пули бўлса, хоҳлаганидек яшаши, дунёни кезиши, дам олиши мумкинлигини ҳис қилиб, одамлар кам маошли ишлардан воз кеча бошлади. Бўш иш ўринлари бўла туриб, маошдан қониқмаган кишилар, ишсизлар сафини тўлдирмоқда ёки ишлаш учун четга чиқиб кетмоқда. Демак, камбағаллашишнинг олди олиниши, ишсизлар банд этилиши, тўланадиган иш ҳақи нисбатан етарли бўлиши зарур.

Лекин йирик капитал зиддиятли экани хусусий мулк ривожланишини чекламаслиги керак. Миллий тикланиш давридаги "Ўзбекистонда ўта бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бўлмасин" деган тамойил таҳрир қилиниши лозим. Бундан ташқари, ойлик иш ҳақи ва фуқаролар қўшимча даромади муттасил ўсиб бориши, "истеъмол саватчаси", қийматидан 15 — 17 фоиз ортиқ бўлишига эришиш зарур. Инфляция жиловланиши, йиллик кўрсаткичда 2 фоиздан ошмаслиги шарт.

Қайд этилган икки синф оралиғидаги ижтимоий гуруҳлар формал жиҳатдан ўрта синфдир. Бу синф даромади, билими ва малакаси, маданий савиясига кўра, ранг-баранг. Айниқса, юртимизда кўпчилик мутахассислар, маданият ташкилотлари, таълим, тиббиёт ва ҳар хил бошқарув идоралари ходимларининг ойлик маошлари ҳозирча уларни амалда ўрта синф вакиллари қаторига кўтариш учун етарли эмас.

Турли гуруҳлар даромади ўртасидаги фарқлари, маданий ва маърифий ранг-баранглиги умумий махражга келтириш, уларнинг маънавий ва ижтимоий-сиёсий бирлигига эришиш лозим. Бунинг учун малакали ишчи-ходимлар, давлат хизматчилари, зиёлиларнинг, айниқса, ижодкорларнинг ойлик даромадлари муносиб турмуш кечириши учун етарли бўлмоғи, улар фонд бозорларида чўнтагига, даромадига қараб маълум миқдордаги акциялар ва қимматли қоғозларни эркин сотиб олиш имконига эга бўлиши ҳам муҳим. Шунда уларнинг ватанпарварлиги, миллий ғояга содиқлиги янада ортади. Айнан улар моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг, моддий ва маънавий бойлик ва қадриятлар яратишнинг асосий омилидир. Миллий ғоянинг социал — синфий асоси сифатида ўрта синф мустаҳкамланиши керак.

Ўрта синф оёққа туриши ва ривожланишининг иқтисодий омилларидан ташқари, сиёсий-ҳуқуқий, ахлоқий, мафкуравий-маънавий омиллари бор. Аввало, ижтимоий адолат таъминланган жойда инсонда эртанги кунга, саъй-ҳаракатлари зое кетмаслигига ишонч пайдо бўлади. Бу эса унга ўз ишини, бизнесини ёки ижодий режаларини амалга оширишда маънавий таянчдир. Давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий сиёсати адолатли амалга оширилиши одамларга ўқиш, таълим-тарбия олиш, касб ўрганиш, соғлиқни сақлаш, ўз уй-жойига эга бўлиш, "социал лифт"лардан фойдаланиш имкониятларини яратади. Шунда одамлар ўз қобилияти, интеллектуал ва касбий салоҳиятини юзага чиқариш, шахс сифатида жамиятда ўз ўрнини топиш имкониятига эга бўлади.

Кадрлар танланиши, хизмат поғонасида ўсишининг бирдан-бир мезони — унинг билими, малакаси ва ишчанлиги, ўз раҳбарига эмас, ишига, касбига, бурчига, ҳақиқатга содиқлиги бўлмоғи даркор. Ана шунда кадрлар ўсишида яна бир ҳақиқий "социал лифт" вужудга келади. Агар кадрларни танлаш ва лавозимга кўтаришда порахўрлик, таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, уруғаймоқчилик, шахсий садоқат мезонлари танланса, аҳоли ижтимоий адолатга ишонмай қўяди. Афсуски, бизда юқоридаги камчиликлар ҳамон мавжуд.

Янги Ўзбекистонда олий ўқув юртларига ва ишга қабул қилишда инсон омили аралашуви сезиларли қисқарди. Бу борада аста-секин ижтимоий адолат қарор топмоқда. Аммо бошқа соҳаларда ҳали муаммолар кўп. Янги Ўзбекистонни барпо этадиган ва учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган етакчи гуруҳ ёшлардир. Юртимизда ёшлар сиёсати мунтазам такомиллашиб, теранлашиб, тарихий даъват ва талабларга мослаштириб борилмоқда. Мактаб таълими олдига битирувчига икки тилни ва бир касбни яхшилаб ўргатиш вазифаси қўйилди. Бу жуда қийин, аммо ҳаётий зарур вазифа.

Ўзбекистонда ўрта синфни ривожлантириш, ўрта ва кичик бизнесга ёрдам кўрсатиш, муҳофаза қилиш, ўқитувчилар, шифокорлар, ижодкор зиёлилар ойлик маошларини кўтариш борасида сезиларли силжишлар бор. Аммо ўқитувчи ва шифокорлар ўртача ойлиги ҳалигача анча паст. Мазкур масалалар бўйича ишлаб чиқилган дастурларни миллий ғояни юзага чиқариш сифатида талқин ва тарғиб этиш зарур.

Юртимизда амалга оширилган конституциявий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-мафкуравий ислоҳотлар ҳам охир-оқибат шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар уйғун ва самарали бўлишини кўзлайди. Мақсадга эришиш эса ижтимоий адолат, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат қарор топишига олиб келади.

Умуман, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида давлат сиёсати ўрта синфни мустаҳкамлаш, сон ва сифат жиҳатдан ўстиришга қаратилмоғи жуда муҳим. Зеро, ўрта синф учинчи Ренессанс пойдеворининг социал асоси, илмий-интеллектуал, ижодий-бадиий, маданий ва маърифий яратувчилик кучи ва салоҳиятини ташкил этади.

Абдураҳим ЭРКАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ГЛОБАЛ ЛОГИСТИКА ЗАНЖИРЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ЙЎЛАКЛАРИ РИВОЖЛАНАДИ

1 Шунингдек, саноат кооперациясини кучайтириш ва йирик қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Туркий тараққиёт банкини ташкил этиш ишларини фаоллаштириш муҳимлиги айтилиб, ушбу молия муассасасини Тошкент шаҳрида жойлаштириш таклифи билдирилди.

Албатта, бундай молиявий муассасани пойтахтимизда жойлаштириш таклифи бежиз эмас. Бугун мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити сабаб, нафақат Тошкент шаҳри, балки республикамизнинг барча ҳудудида бугунги замон талабларига жавоб берадиган бизнес марказлари фаолияти йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, ташкилотга аъзо Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия ҳамда Венгрия ва Туркманистон каби кузатувчи давлатлар учун ҳам Тошкент шаҳри қулай жой ҳисобланиши аниқ. Чунки айни кунда мамлакатимизда ташкилотга аъзо давлатларнинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда қатор истиқболли лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари томонидан ушбу бошланган ўзгаришларни янги босқичга олиб чиқиш учун глобал логистика занжирлари ҳамда транспорт йўлакларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш, ягона транзит тармоғини шакллантириш масалалари долзарб экани таъкидланди. Шу маънода, Президентимиз Ўрта коридор салоҳиятини кенгайтириш, қўшимча кўп тармоқли йўналишларни, жумладан, Хитой, Жанубий Осиё ва Европа бозорларига мамлакатларимиз орқали ўтадиган йўлакларни ривожлантириш ҳамда транспорт хизматларини рақамлаштириш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлади. Бунинг учун ташкилотнинг Темир йўл идоралари кенгашини таъсис қилиш ва бу тузилманинг дирекциясини Ўзбекистонда жойлаштириш таклиф этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари бугун дунё мамлакатлари учун кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бири бўлиб келаётган экологик барқарорликни таъминлашга оид таклифни ҳам илгари сурди. Жумладан, экология соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида вазирлар даражасида доимий фаолият кўрсатадиган Туркий экология форумини тузиш таклифи илгари сурилди.

Эътиборлиси, Президентимиз жадид боболаримизнинг илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш муҳимлигини қайд этиб, ТДТ мамлакатлари вакилларини жорий йилнинг декабрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган "Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари" мавзуидаги халқаро анжуманда фаол иштирок этишга чақирди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида минтақа давлатлари тинчлиги ва барқарорлиги масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Мамлакатимиз етакчиси афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сусайтирмаслик, бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ механизмларни ишлаб чиқиш зарурлигини уқтирди.

Умуман олганда, Остона шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг навбатдаги учрашувида билдирилган фикр ва таклифлар ташкилотга аъзо мамлакатлар тараққиётига, ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари ва механизмларини ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади.

Музаффара АБДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ ОМИЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Жамоат хавфсизлиги университети ҳамкорлигида "Глобал иқлим ўзгаришлари ва сув муаммолари" мавзуида маҳорат дарси ташкил этилди. Унда сенатор Б. Алихонов иқлим ўзгариши, унинг салбий оқибатлари, сув муаммоларининг юзага келиши, унинг олдини олиш юзасидан батафсил маълумот берди.

Сенатор ва ҳаёт

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда иқлимнинг кескин ўзгариши, сахроларнинг кенгайиши, чўлланиш ва ер деградацияси, маиший ва саноат чиқиндиларининг тобора ортиб бориши, атмосферанинг зарарланиши, сув ресурслари ифлосланиши ва танқислиги, ўрмонлар ва биохилмахилликнинг камайиши инсоният учун ниҳоятда долзарб глобал экологик муаммоларга айланди. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик барқарорликни таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

Мамлакатни барқарор ривожлантириш, аҳоли ҳаёти ва соғлиғининг юқори сифатини таъминлаш, экологик хавфсизлик, умуман олганда, миллий хавфсизлик масалалари амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг устувор йўналиши сифатида эътироф этилмоқда.

Глобал экологик муаммолар кескинлашган шароитда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган қонунлар, қонуности ҳужжатлари, давлат дастурларининг қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Энг муҳими, бу жараёнда кенг жамоатчилик вакилларининг фаол қатнашаётганлиги муаммолар ечимида муҳим аҳамият касб этаётир.

Шу каби саъй-ҳаракатларга қарамай қатор экологик муаммолар ҳозирда ҳам сақланиб қолмоқда. Боз устига, янгидан-янги экологик таҳдидлар пайдо бўляпти.

Маҳорат дарсида сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, сув исроф бўлиши ва ортиқча сув истеъмолининг олдини олиш, соҳа ва тармоқларда сув тежовчи технологияларни қўллашни рағбатлантириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, чиқиндини бошқариш тармоғини такомиллаштириш, уни қайта ишлаш технологиясини жорий этишни тезлаштириш, атмосфера ҳавоси ифлосланишига йўл қўймаслик, биологик хилмахилликни асраш зарурлиги ҳам алоҳида айтиб ўтилди.

Қолаверса, сенатор томонидан экологик хавфсизликни таъминлашнинг устувор стратегик йўналишлари хусусида сўз юритилди. Турли даражадаги давлат органлари ва табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг ўзаро таъсирини тартибга солишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш, бошқарув қарорларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш тартибига экологик талабни киритиш, мамлакат миқёсида атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини экологик, гигиена ва санитария меъёрларигача камайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш лозимлиги ҳам урғуланди.

Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг экологик маданиятини оширишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, сув исрофининг олдини олиш, экологик муаммоларни ҳал этиш ҳамда экологик таҳдидларнинг олдини олишда давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, экологик назоратни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

«Халқ сўзи».

Гамхўрлик

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ УЧУН ЯНГИ БИНО

Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театри 1994 йилда вилоят мусиқали-драма театри қошида ташкил этилган. Ўтган йиллар давомида театр жамоаси йигирмадан ортиқ янги спектакларни саҳналаштириб, болажонларга намойиш қилди. Халқаро ҳамда республика миқёсидаги кўплаб танлов ва фестивалларда қатнашиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди. Жамоада яна янги-янги имкониятларни ишга солиш, катта марраларни забт этишга иштиёқ юқори.

Бироқ театрнинг ўз биносига эга эмаслиги, турли мослаштирилган бинолларда ижарада туриб фаолият юритаётгани маълум маънода жамоа имкониятларини чеклаётган эди.

Шу маънода, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида 25 миллиард сўм маблағ эвазига қуриб битказилган замонавий бино вилоят Қўғирчоқ театри жамоаси учун ҳам, театр ихлосмандлари учун ҳам қувончли воқеликка айланди.

— Бу ерда театр жамоасининг ўз ижодий фаолиятини амалга ошириши ҳамда болажонлар ва ота-оналарнинг спектакларни мириқиб томоша қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театри директори Элбек Эшмуродов. — Хусусан, бинода 204 томошабинга мўлжалланган катта ҳамда 60 томошабин сиғимига эга кичик зал, актёрлар хонаси, ошхона, тиббий хизмат кўрсатиш хонаси ҳамда ходимлар учун офис хоналари мавжуд. Шунингдек, қўғирчоқ театри музейи учун алоҳида жой ҳозирланган.

Театрнинг янги биноси фойдаланишга топширилиши ҳақиқий маданият ва санъат байрамига айланиб кетди. Айниқса, таниқли санъаткорларнинг бадиий чиқишлари, шунингдек, қашқадарёлик ҳамкасбларини қутлаш учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган қўғирчоқ театрлари жамоалари томонидан ижро этилган кичик спектакллар тадбирга янада ўзгача завқу шавқ улашди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимига танлов эълон қилади.

1. Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси кафедраси	доцент
2. Технологик машиналар ва жиҳозлар кафедраси	доцент, профессор
3. Муҳандислик графикаси ва механика кафедраси	катта ўқитувчи, доцент
4. Меҳнат муҳофазаси ва экология кафедраси	катта ўқитувчи, ассистент
5. Ижтимоий фанлар кафедраси	доцент, катта ўқитувчи, ассистент
6. Тўқима матолари технологияси кафедраси	доцент
7. Технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бошқариш кафедраси	доцент
8. Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси	доцент
9. Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси кафедраси	доцент
10. Корпоратив бошқарув кафедраси	доцент, катта ўқитувчи, ассистент
11. Кимёвий технология кафедраси	доцент, катта ўқитувчи, ассистент
12. Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси	доцент
13. Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси	кафедра мудири, катта ўқитувчи, (инглиз тили, рус тили) ассистент (инглиз тили, рус тили)
14. Физика ва электротехника кафедраси	доцент
15. Математика ва информатика кафедраси	доцент, катта ўқитувчи, ассистент
16. Кимё кафедраси	доцент
17. Ипак технологияси кафедраси	катта ўқитувчи
18. Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси	доцент, катта ўқитувчи
19. Костюм дизайни кафедраси	ассистент, катта ўқитувчи
20. AICP	катта ўқитувчи, ассистент

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза билан кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини топширади.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот беради, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 208-хона. Телефон: 71-253-17-78.

РЕКЛАМА

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш (масофадан) тўғрисида

ХАБАРНОМА

Хурматли «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорлари!

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй манзили бўйича жойлашган (корпоратив веб-сайти: www.sqb.uz, E-mail: info@sqb.uz), Сизга 2023 йил 30 ноябрь куни Тошкент шаҳри вақти билан соат 11:00 да масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати http://evote.uz/. орқали банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши белгиланганлигини маълум қилади.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 2024 — 2026 йилларда ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида;

«Tashkent City» Халқаро ишбилармонлар марказидаги банк бош офиси қурилиши қийматини ошириш ва муддатини узайтириш тўғрисида;

Банк Кенгаши мустақил аъзоси А. фон Глайхнинг ваколатини муддатидан аввал тугатиш тўғрисида.

Акциядорларни йиллик умумий йиғилишнинг ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестрни шакллантириш санаси: 2023 йил 6 ноябрь.

Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: 2023 йил 24 ноябрь.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар билан банкнинг www.sqb.uz корпоратив веб-сайти орқали танишиш ёки info@sqb.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматидан (http://evote.uz/. фойдаланган ҳолда 2023 йил 30 ноябрь Тошкент вақти билан соат 10:00 да бошланиб 11:00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун телефонлар: 78-120-45-00 IP:13-30; (99894) 711-13-75.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1141. 32 572 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6